

“АҚЛЛИ ШАҲАР” ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ ОРҚАЛИ “АҚЛЛИ ЙЎЛЛАР” ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР

Каримов Асрор Акбарович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ МКБТ катта муҳандиси – капитан

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга қаратилган аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини шакллантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва худудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2017 йил декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси билан Ўзбекистон тараққиётининг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишларини изчил амалга ошириш мақсадида кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Белгиланган ислоҳотларга кўра, бугун йўл ҳаракати хавфсизлиги иштирокчиларининг ҳуқук ва мажбуриятлари ушбу соҳада транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг такомиллаштириб келинаётгани фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асраршдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра бир қанча вазифалар белгилаб қўйилган. Белгиланган вазифаларда Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси тасдиқлаб қўйилган. Мазкур Концепцияга кўра, Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” инновацион технологияларини жорий этишнинг бошлангич босқичи давом этмоқда. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли ҳисоблагичлар”, “Ақлли транспорт”, “Ақлли тиббиёт” йўналишлари бўйича дастлабки синов лойиҳаларини режалаштириш ва амалга ошириш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, шаҳарлар инфратузилмасининг сезиларли даражада жисмонан ва маънан эскирганлиги “Ақлли шаҳар” технологияларини самарали жорий этишга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш чора-тадбирларини кўриш

ҳамда шаҳарлар инфратузилмасини реконструкция қилиш учун йирик инвестиция манбаларини излашни талаб этади³.

Бироқ, эришилаётган ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, йўл транспорт тизимидағи автомобиль йўлларида ҳаракат тартибсиз равишда вужудга келмоқда. Бундай тартибсизликлар, ўз навбатида, ҳайдовчиларнинг маданияти, укувсизлигидан далолат. Ҳар бир ҳайдовчи ўзига қулай ҳаракат режимини танлаб, ўзи истаган ҳаракат режимининг бошқа ҳаракат қатнашчиларига таъсири билан ҳисоблашмаслик ҳолатлари афсуски қўп учрайдиган муаммолардан бири. Йўл ҳаракатида автомобилларнинг ўзаро таъсири ҳаракат миқдори қанча қўп бўлса, шунча ортиб боради.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи ҳисобланади. Йўл ҳаракатини ташкил этишда транспорт воситалари оқимини максимал даражада йўлнинг геометрик ўлчам имкониятларидан фойдаланиб, унинг ҳар хил бўлакларида ҳавфсиз ҳаракат режимини ва юқори ўтказиш қобилиятини таъминлашга қаратилиб, у транспорт воситаларини юқори самарадорлик билан ҳаракатланишига қаратилган тадбирлар тизимидан иборат.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари қўйидагича омилларга таянади. Транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, зарур ҳолларда уларни тезлик бўйича гурухларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун рационал тезликларни белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат йўналишига ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга қаратилади.

Транспорт воситалари ҳаракат оқимининг зичлиги ошган сари автотранспорт воситалари оралиқ масофасининг камайиши, тезликнинг кескин пасайиши, ҳайдовчиларнинг психологияк ҳолатига таъсир кўрсатиш ва ҳаракатланиш режимининг қийинлашиши умумий йўл ҳаракатининг нокулайлигига олиб келади.

Транспорт воситаси оқимининг энг катта зичлиги транспортларнинг тўхтаб қолиши ҳолати ҳисобланади. Йўлнинг ўтказиш қобилияти – реал вақт бирлиги ичida йўлнинг тўғри йўл участкаси ва маълум чорраҳа кесимидан ўтказиши мумкин бўлган автомобиллар сони, соат/сутка ҳисобида аниқланади. Йўлнинг ўтказиш қобилияти ҳаракат тезлигига ва ҳаракатни ташкил этишга қўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Тошкентда транспорт воситаларининг сони кескин кўпайиши оқибатида транспортларнинг ҳаракати кескин жадаллашиб бормоқда. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг кескин кўпайиши сабаб пиёдалар, транспорт воситаси ва бошқа ҳаракат иштирокчилари (пиёдалар)нинг ўртасида зиддиятлар юзага келиши табиий. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари билан кўплаб етказилган моддий ва маънавий заарлар, шаҳар кўчалари, ахоли яшайдиган жойлардан ўтадиган йўллар минтақасидаги юқори даражадаги шовқин,

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон қарорига 1-илова. Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси.

ҳаво бассейнларининг ифлослантирилиши, кўчаларда тўхтаб турувчи автомобиллар томонидан тўсиб қўйилишлар, транспортларнинг ушланиб қолиши ва ҳаракат тезлигининг кескин тушиб кетиши сингари ҳолатлардан иборат бўлади.

Тошкент шаҳрида йўл-кўча бўйлаб тўхташ ва тўхтаб туриш жойлари 70 фоиз ташкил қилинмаган ва қолган 10 фоиз ҳам талаб даражасида ташкил қилинмаганлиги йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Йўл-кўча бўйлаб тўхтаб туриш жойларини бошқаришда энг самарали усул – “Park and ride” ва “Smart parking” – “Тўхташ ва дам олиш”, “Хавфсиз тўхташ жойи” тизимларидан фойдаланиш керак, бу орқали тўхтаб туриш жойларини ажратиш билан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш ва ҳайдовчиларга кўплаб қулайликлар яратиш имкониятларини пайдо қиласди. Ушбу тажрибаларни бизнинг шароитда қўллаш ҳаракатни самарали ташкил этишда юзага келадиган мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фуқаро томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг мазмун моҳияти ва ундаги талабларга қаттий риоя қилинса, йўл транспорт ҳодисаларини содир этилишининг камайишига, ўз навбатида, жамиятимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ҳамда моддий аҳволи сақланиб қолинишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори.

2. <https://www.amsterdam.nl/en/parking/park-ride/>
3. <https://advice.uz/uz/document/387>
4. <https://iot.ru/events/iot-tech-winter-2022>